

ҲОЗИРГИ НЕМИС АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ФРАЗЕМАЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

Эрназаров У. А.-

ЎЗМУ

Лингвистика (немис тили)

2-курс магистранти

Илмий раҳбар

ф.ф.н.,

Зулхонов М. Ж.

доц.в.б

Телефон: +998973869981

ernazarovuchqun@mail.ru

SEMANICAL ANALYSIS OF PHRASEMALS IN MODERN GERMAN MEDIA

Ernazarov U. A.-

MzMU Linguistics (German) 2nd year undergraduates Scientific leader Ph.D.,

Zulkhonov M. J.

доц.в.б Phone: +998973869981 ernazarovuchqun@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақола ҳозирги немис газета ва журналларидаги фраземаларнинг семантик таҳлиliga бағишланган бўлиб, унда идиоматиклик, мумкин бўлган ўзгаришлар ёки модификациялар, баъзи фраземалар учун уларнинг этимологик келиб чиқиши, синонимлари ёки антонимлари мисоллар ёрдамида таҳлил этилади.

Калит сўзлар: фразеологизм, фразеолексема, идиома, идиоматик ифода, модификация, эквивалентлик, соматизм

Auf dem Nationalen Volkskongress hat China verkündet, dass das Verteidigungsbudget um gut sieben Prozent steigen wird. Tatsächlich sind die Ausgaben aber wohl noch deutlich höher – Peking lässt viele Ausgaben unter den Tisch fallen.¹

unter den Tisch fallen – безътибор қолдирмоқ

Бу феъли фразеологизм сўзлашув тилидаги сўз бирикмаси ҳақидадир. Ушбу сўз бирикмаси иккиланишни ифодалайди ва ижобий муносабатни билдирмайди. Мазкур мақолада муаллиф ҳеч қандай субъектив фикр билдирмасдан, фақат воқеликни баён қилган.

Er redet sich den Frust von der Seele: Im SPIEGEL spricht Michael Glos offen darüber, dass er auf den Job als Wirtschaftsminister nicht vorbereitet war.²

sich etw. von der Seele reden – тан олмоқ

¹ <https://www.faz.net/aktuell/politik/ausland/chinas-wehrausgaben-hoeher-als-oeffentlich-bekannt-16073447.html>

² <http://www.spiegel.de/politik/deutschland/0,1518,746524,00.html>

Бу ерда контекстга қараб, бир неча марта ўзгариши мумкин бўлган сўзлашув тилидаги ибора ҳақида сўз юритилади. Ўзгариш ҳолатида, доимо лексик элементлар ҳақида гап боради. Бу тўлиқ идиоматик фразеологизмдир.

Die USA lassen Hongkongs Demonstranten im Stich - und zwingen Deutschland zu einer Entscheidung, auf die die Bundesregierung nicht vorbereitet ist.³

jmdn. im Stich lassen – ўз ҳолига ташлаб қўймоқ, эътибордан қолдирмоқ

Бу иборанинг келиб чиқиши икки ҳолат билан боғланади. Улардан бири ўрта асрлардаги турнирлар ва уларнинг бориши билан боғлиқ. Агар рицар отдан йиқилиб, ёрдамчиси унга ўз вақтида ёрдам бермаган бўлса ёки қуролни тутқазмаган бўлса, у, таъбир жоиз бўлса, уни душман қўлига ташлаб қўйган бўлади. Бошқа талқин тикувчи ташлаб кетган, тугалланмаган кийимга ишора қилади. Иккала вариант ҳам кўчма маънога эга.

Dennoch hält sich das Entsetzen in der CDU-Spitze in Grenzen.⁴

sich in Grenzen halten - камаймоқ

Бу феълли идиома баъзи манбаларда кўпроқ вариантларга эга. *Grenzen* (чегаралар) отини *Schranken* (тўсиқлар) билан алмаштириш мумкин. Бунда маъно бир хил бўлиб қолади. Агар биз антонимлар нуктаи назаридан қарайдиган бўлсак, унда антоним *keine Grenze kennen* бўлар эди.

Zudem sei man auf gutem Wege, die möglichen Kostenrisiken deutlich nach unten zu fahren.⁵

auf dem richtigen Weg sein – ҳақ бўлмоқ

Бу фразеологизмни *einen Schritt weitergehen* билан таққослаш мумкин ва у маълум даражада синоним бўлади. Гап тараққиёт ва мақсад сари йўл ҳақида бормоқда. Бу фразеологизмга *richtig – falsch* компонентларини алмаштириш орқали ҳам антоним яшаш мумкин. Гап тўлиқ эквивалентлик ҳақида боради.

Der Premier steuert offenbar auf einen No-Deal-Brexit zu, um eine Neuwahl zu erzwingen. So könnte er seine Machtbasis verbreitern. Das könnte ein Spiel mit dem Feuer sein.⁶

ein Spiel mit dem Feuer – хавфли бўлмоқ, таваккалга қўл урмоқ

Бу отли фразеологизмни *mit dem Feuer spielen* фразеолексемасига ҳам ўзгартириш мумкин, бунда феълли компонент отли асосий элемент ва модалликни аниқлаш вазифасидаги кўмакчи орқали кенгайтирилган бўлар эди. Бироқ, бу шаклда отли асосий компонент аниқловчи билан кенгайтирилади. Гап қисман идиоматик ифода ҳақида боради.

Ушбу сўз бирикмаси юзага чиқиши мумкин бўлган хавф ва мумкин бўлган салбий оқибатларни кўрсатади.

Die FDP gilt in diesen Kreisen nur noch als Klotz am Bein, dessen man sich gern schnell entledigen würde.⁷

jmdm. ein Klotz am Bein sein – кимгадир юк бўлмоқ

Бу ерда ҳатто *jemandem ein Klotz am Bein sein, man kann sich einen Klotz ans Bein binden* ёки *man kann einen Klotz am Bein haben* каби бир неча ўзгаришларни топишингиз мумкин. Барча ҳолатларда бу фразеологизм фақат сўзлашув тилида ва тўлиқ идиоматик тарзда қўлланилади. Морфологик-синтактик нуктаи назардан, кўмакчи-аниқловчили отнинг асосий компоненти ҳақида, семантик нуктаи назардан эса, синонимлар ҳақида гап кетмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, бу фразеологизм фақат салбий маънода қўлланилади ва кераксиз юкни ифодалайди.

³ <https://www.sueddeutsche.de/politik/hongkong-sonderstatus-china-1.4923093>

⁴ <http://www.spiegel.de/politik/deutschland/0,1518,746677,00.html>

⁵ <https://www.zeit.de/2022/03/robert-habeck-klimaschutz-klimaziele-energiewende>

⁶ <https://www.sueddeutsche.de/politik/brexit-johnson-no-deal-1.4550044>

⁷ <https://www.sueddeutsche.de/wirtschaft/adidas-reebok-verkauf-authentic-brands-group-1.5381145>

Nach der Atomkatastrophe in Japan stieg Deutschland Hals über Kopf aus der Atomenergie aus.⁸

Hals über Kopf – тамомила, тўлик

Бунда гап сўзлашув услуби қатлами ҳақида кетмоқда ва бутун фразеологизм икки компонент туфайли соматизмларга тегишли бўлади. Präsident Marcelo Rebelo de Sousa wollte die Parteien mit der Androhung von Neuwahlen zur Vernunft bringen.⁹

jmdn. zur Vernunft bringen – кимнидир мулоҳазага чақирмоқ

Бу қисман идиоматик иборани нейтрал услуб қатламига тааллуқли деб ҳисоблаш мумкин. Бу фразеологизм доимо вазиятни яхшилаш мумкин бўлган ўғит ва умидни ифодалайди.

Die Länder geben grünes Licht für vollere Stadien: Mit Beginn der neuen Spielzeit sollen wieder mehr Zuschauende in die deutschen Fußballstadien dürfen.¹⁰

grünes Licht geben – рухсат бермоқ

Ушбу қисман идиоматик фразеологизмни сифат туфайли рангларнинг махсус гуруҳига тааллуқли деб ҳисоблаш мумкин. Унинг компоненти, бундан ташқари, бутун бирикма маъноси учун ҳал қилувчи бўлган яна бир отни ҳосил қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳозирги немис газета ва журналларидаги фраземалар семантик жиҳатдан таҳлил қилинганда, фраземаларнинг асосий қисми сўзлашув тили қатламига тааллуқли бўлганини ва уларни бир неча марта ўзгариши мумкинлигини ёддан чиқармаслик муҳим ҳисобланади.

ИНТЕРНЕТ МАНБАЛАРИ:

1. <https://www.faz.net>
2. <https://www.sueddeutsche.de>
3. <https://www.zeit.de>
4. <http://www.spiegel.de>

⁸ <https://www.faz.net/aktuell/politik/inland/zehn-jahre-nach-fukushima-der-grosse-abriss-17237408.html>

⁹ <https://www.sueddeutsche.de/politik/portugal-regierungskrise-neuwahlen-marcelo-rebelo-de-sousa-antonio-costa-1.5455784>

¹⁰ <https://www.spiegel.de/politik/deutschland/corona-pandemie-fussball-stadien-wieder-mit-bis-zu-25-000-zuschauern-moeglich-a-fc7bf970-99b5-40e7-986b-2d8b14819435>